



ТАРИХИЙ КЕЛИШУВЛАРГА БОЙ САМАРАЛИ ТАШРИФ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26-27 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ТАНИШУВ
Осиё олимпия кенгаши бош директори, Халқаро сузиш федерацияси президенти Хусайн ал-Мусаллам, Халқаро кураш ассоциацияси президенти, Осиё олимпия кенгашининг Осиё ўйинлари департаменти бош директори Хайдар Фармон «Тошкент – 2025» IV ёшлар Осиё ўйинлари учун барпо этиладиган спорт мажмуаси лойиҳаси билан танишди, дейилади Миллий олимпия қўмитаси хабарида.



ЧИҚИНДИДАН ГАЗ ОЛИНАДИ
Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Майдонтол маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилади.

Кореянинг Sejin G&E компанияси иштирокида амалга ошириладиган мазкур лойиҳа самарасида нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасидаги ягона бўлган йирик маиший чиқинди полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш станцияси ташкил этилади.

КХДР РАКЕТАЛАРИНИ КУЗАТИШ УЧУН СУНҒИЙ ЙЎЛДОШ
Япониянинг «Mitsubishi Heavy Industries» компанияси 26 январь куни Шимолий Корея ракеталари учирлишини кузатиш учун мўлжалланган янги разведка сунғий йўлдошини манзилга етказиш учун «Н-2А» ташувчи ракетага юборди. Компания матбуот хизмати маълумотига кўра, бу жараён Кагосима вилоятининг жануби-ғарбидаги Танагасима космодромидан амалга оширилган.



КАШМИР ҚОРГА БУРКАНДИ
«МИР 24» ахборот-таҳлилий интернет портали маълум қилишича, Ҳиндистоннинг Кашмир вилояти ҳудудини 60 сантиметр қалинликдаги қор қоплаган. Ёғингарчиликлар оқибатида электр узатиш тармоқларида узилишлар кузатишмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нashри • Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган



Мажлис

САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ КЕНГАШИНING IV МАЖЛИСИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦ-АЛОҚА ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛДИ.

>>> 2



Халқаро ҳамкорлик

АҚШ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида АҚШ Меҳнат вазирлиги Одам савдоси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маргарет Юнгк бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида делегация аъзоларига Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, касба уюшмаларининг иштироки тўғрисида батафсил маълумот берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан тизимли равишда фойдаланиш ҳолатларига бутунлай барҳам берилгани, Ўзбекистоннинг ушбу ютуғи нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилгани таъкидланди.

>>> 2

«Ishonch»га жавоб берадилар...

Хавотирга ўрин йўқ

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 24 январдаги сонида «Аномал чанг» сабаблари нимада?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Табиат ресурслари вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:

Макросиноптик ҳолат бўйича республикаимиз ҳудуди, шу жумладан, Тошкент шаҳри ҳам антициклон периферияси таъсирида қолмоқда. Мазкур жараён атмосферанинг ер сиртига яқин қуйи қатламида ҳавонинг қуёш ботиши ва чиқишдан сўнг радиацион совушини келтириб чиқаради. Бу эса ҳавода сув буғларининг тўйиниши, қалин туман ва булдуруқ ҳодисаларига сабаб бўлади.

Ҳаводаги сув буғлари ҳарорат -10°C , -15°C ораллиғида муз парчаларига айланиб, майда дисперс заррачалар кўринишида ҳавода хираликни юзага келтиради. Шунингдек, шамол омилининг йўқлиги ҳам ҳавода кўринувчанликни пасайтириб юборади.

Айни вақтда Тошкент шаҳридаги атмосфера ҳавосининг пастки қатламида (100-150 метргача) ҳарорат инверсияси (ҳаво ҳароратининг баландликка қараб ортиб бориши) вужудга келди.

Ҳарорат инверсияси – ҳавонинг вертикал ҳаракатларига тўсқинлик қилади, натижада майда заррачали (ПМ 2,5) ифлослантирувчи моддалар концентрацияси ошиб боради. Туман ва булдуруқ ҳодисалари таъсирида ПМ 2,5 майда дисперс заррачаларининг ортиши ўлчов воситаларида аниқланиб, АҚИ рейтингига Тошкент шаҳри 23 январь куни соат 7:00-9:00 ораллиғида 317-кўрсаткич билан биринчи ўринга кўтарилди.

Айни дамда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида туман, булдуруқ ҳодисалари чекиниб, ҳавонинг майда заррачалари билан ифлосланиши пасаймоқда.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ушбу жараёнда атмосфера ҳавосининг заррли ифлослантирувчи модда билан ифлосланиш ҳолати рўқсат этилган меъёрий миқдорлардан ортаман.

Автотранспорт ҳаракати натижасида азот икки оксиди миқдори 0,2, 0,3 маротаба рўқсат этилган меъёрий миқдорлардан ортаман қайд этилиб, ушбу кўрсаткич юқори даражада ифлосланиш ҳисобланмаган ва бу инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди.

Табиат ресурслари вазирлиги матбуот хизмати

Тилга эътибор – элга эътибор

Қаҳратон + жазирама = аномал

Ярим аср аввал ҳам қаттиқ совуқлар бўларди. Қор кўп ёққанидан ўқувчилар йўллар очилгунча қадар уч-тўрт кун мактабга боролмай қолишарди. Эшкнинг тунқичини ушласангиз, қўлингиз ёпишиб қоларди. Ўша қақшатқич совуқни «қаҳратон» дердилар.

Ўша вақтлар ёзда шунчалик иссиқ бўлардики, қиём вақтларида кўча-кўйда инсон зотини кўрмасдингиз, чирилдоқларнинг ҳам овози ўчиб қоларди. Уни «жазирама» дердилар. Бу сифатлар яқин-яқин-

ларгача ҳам истъомолда эди, адашмасам. Аммо бурноғи йилги ёз фаслидан бошлаб қаҳратонни ҳам, жазирамани ҳам битта ном билан «аномал» дейиш урфга айланди: аномал иссиқ, аномал совуқ.

Дамин ЖУМАҚУЛ

Ўтган йили Наманган вилояти психологик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган типдаги болалар уйининг видеоси ижтимоий тармоқларда овоза бўлгани бугун кўпчиликнинг ёдида ҳам эмасдир. Аммо ушбу видео орқасидан юборилгани сабабли наз бераган кўнгилсизликни яна бир бор эслашга мажбурмиз.

Касаба уюшма аралашгач...

ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН ХУЛОСА

Болалар уйининг камерасида акс этган видеода аслида энагалар уларни овқатлантираётгани, кийинтираётгани кўрсатилган. Бу воқеани олиб узатувчилар эса ақли ҳатти-ҳаракатларидан моҳирона фойдаланган ҳолда кўшма овоз, бақир-чақир, йиғи-сиғиларни эффект қилиб, ваҳимали тарздаги видеони оммага тарқатишган. Натижада, бу ердаги ходимлар ақли заиф болаларни қийноққа солишар экан, деган хулосага келинган.

Ушбу видео тарқалгандан сўнг болалар уйида ишловчи М.Икромжонова, З.Юсупова ҳамда Х.Раҳматуллаева билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг меҳнат-ҳуқуқ инспектори ходимларнинг аризаси юзасидан ўрганишлар олиб борганда, меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи томонидан бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди ва иш судга оширилди.

Ходимларни ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириш тўғрисидаги давво аризаси юзасидан бўлиб ўтган Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судида Меҳнат кодексининг 108-моддаси талаби бузилгани, ходимлар аризани ўз хоҳишига кўра ёзмагани, энг заиф болаларни қийноққа солишар экан, деган хулосага келинган.

Шунга кўра, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши қонунга зид деб топилиб, уларни ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Сарҳисоб ва ғалдаги устувор вазифалар



<<< 1

Мажлисида Федерация раҳбарияти, ҳудудий кенгашлар ҳамда тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари раислари ва ўринбосарлари, Тошкент шаҳридаги ташкилотлардан сайланган Бош кенгаш аъзолари, Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, Федерация аппарати бўлим мудири ва масъул ходимлари иштирок этди.

Мажлисида ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратулла Рафиқов олиб борди.

Орта қолган йил касба уюшмалари учун ниҳоятда самарали бўлди. Хусусан, йил давомида 11 мингга яқин корхонада янги касба уюшма ташкилоти тузилиб, 220 минг нафардан зиёд ходим аъзоликка қабул қилинди, – деди, хусусан, Қудратулла Рафиқов. – 11 ноябрь – Ўзбекистон касба уюшмалари кўни байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарининг касба уюшмалари ходимлари ва фаолларига йўллаган табриғида санага меҳнатқашлар байрами, умумхалқ байрами макомини бериш ва бу кунни дам олиш кунини деб эълон қилиш тақдирининг билдирилгани ҳар биримизда ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотди. Бу Юртбошимизнинг касба уюшмаларига кўрсатаётган юксак эътиборидан, қолаверса, жамиятда касба уюшмаларининг нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев Федерациянинг ўтган йилдаги фаолияти яқунлари ва жорий йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, 2022 йилда Федерация ва тизимдаги ташкилотлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг 9 та қонуни лойиҳасига ходимлар ҳамда касба уюшмалари манфаатларини ифода этувчи тақлифлар киритилди. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси тасдиқланди. Ушбу ҳужжат ҳозирда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда. 11 ноябрь меҳнатқашлар байрами, умумхалқ байрами макомини бериш ва бу кунни дам олиш кунини, деб эълон қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тасдиқланди, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталарида кўриб чиқилляпти.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ 10 дан ортиқ қарорлари лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегишли мутасадди органларга тақлифлар киритилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисида»ги ҳамда «Касаначилик тўғрисида»ги конвенциялари ратификация қилинишини илгарчи суриш мақсада мувофиқлиги ҳақида тақлифлар ишлаб чиқилиб, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясига юборилди.

Касба уюшмалари инспекторлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижасида 77 минг 408 нафар ишчи-ҳодимнинг меҳнат ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 53 млрд 963 млн 107 минг сўм зарар пуллари ундирилишига эришилди.

Касба уюшмалари жамоний ва юридик шахслардан тушган 4 минг 846 та мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб иш берувчиларга киритилган 153 та тақдирноманинг 93 таси, судларга киритилган 84 та даъво ва буйруқ тартибиди аризалардан 67 таси қаноатлантирилди. Барча мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, 16 минг 505 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 11 млрд 794 млн. сўм ундирилди.

Ишчи-ҳодимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш устидан касба уюшмаларининг жамоатчилик назорати янада кучайтирилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари 1 минг 572 та бошланғич касба уюшма ташкилоти фаолиятини ўрганиб, аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга 1 минг 50 та тақдирнома киритди. 2

минг 154 та камчилик касба уюшмаларининг аралашуви билан бартараф этилди. Иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорлик бўйича касба уюшмаларининг жамоатчилик мониторингини ўтказиб келинди.

Ижтимоий мулоқот ҳамда ижтимоий шериклик қўламини кенгайтириш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бора-бора ҳам қатор ишлар олиб борилади.

2022 йил 16 декабрда Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси, Иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йилларга йўлхалланган Бош жамоа келишуви имзоланди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш концепциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Касба уюшмаларининг ташкилий жиҳатдан, шунингдек, моддий-техник базасини мустақамлаш, касба уюшмалари ташкилотларига амалий ҳамда услубий ёрдам қўламини кенгайтирилди.

Федерация аппарати бўлимлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар республиканинг 9 та вилоятида 150 дан зиёд бошланғич ташкилот фаолиятини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатди. Тармоқ касба уюшмаларининг туман, шаҳар бўлинмалари ходимлари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги касба уюшмалари фаоллари иштирокида 1 минг 89 та ўқув, тарбиёт тадбирлари, семинар ва вебинарлар ўтказилди.

Миллий байрамлар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, ходимлар, меҳнат фойдаларининг республиканинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлари, театр ва концертларга ташрифи уюштирилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари кўни муносабати билан «Янги Ўзбекистон – янги касба уюшмалари» деган ғоя остида



5 мингдан ортиқ бошланғич касба уюшма ташкилотиди маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларга 800 минг нафарга яқин ходим жалб этилди. Сана муносабати билан «Ўзбекистон касба уюшмалари саройи»да тантанали байрам тадбири ўтказилиб, соҳанинг 5 нафар фойдаси «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси лауреати» нишонини ва 25 нафар тизим фаоли ва иш берувчилар Федерациясининг «Эхтиром» нишонини билан тақдирланди. Шунингдек, турли соҳаларда фидокорона хизмат қилаётган 23 нафар ходим меҳнати эътироф этилиб, муносиб рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлашда намуна кўрсатган масъулларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танловлари ғолиблари мукофотланди.

Байрам арафасида республикамиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида «Еш китобхон» танлови ўтказилди. «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» шиори остида «Саховат», «Мурувват» уйларида яшовчилар ва ходимлар учун байрам тадбирлари ташкил қилиниб, ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Хисобот даврида жамоа келишуви ҳамда шартномалари орқали пенсия ёшидаги шахслар ҳамда корхоналар собиқ ходимларидан 111 минг 727 нафари моддий қўллаб-қувватланди. Кексалар ва имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш мақсадида «Саховат», «Мурувват» уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олинди.

Ватан ҳимоячилари, Хотира ва қадрлаш кўни ҳамда Мустақиллик байрамлари муносабати билан юрт мустақиллигини ҳимоя қилишда, хизмат мажбуриятини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари моддий қўллаб-қувватланди.

«Аёллар дафтари»нинг 3-босқичи доирасида 635 минг 522 нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди.

2022 йилда 11 мингга яқин корхонада янги касба уюшма ташкилоти тузилиб, 220 минг нафардан зиёд ходим аъзоликка қабул қилинди.

9 та қонун лойиҳасига ходимлар ҳамда касба уюшмалари манфаатларини ифода этувчи тақлифлар киритилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида 7 минг 154 та камчилик касба уюшмаларининг аралашуви билан бартараф этилди.

Федерация аппарати бўлимлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар республиканинг 9 та вилоятида 150 дан зиёд бошланғич ташкилот фаолиятини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатди.

77 минг 408 нафар ишчи-ҳодимнинг меҳнат ҳуқуқи тикланиб, улар фойдасига 53 млрд 963 млн 107 минг сўм зарар пуллари ундирилишига эришилди.

Халқаро ташкилотлар, халқаро касба уюшмалари бирлашмалари, хорижий давлатларнинг касба уюшмалари марказлари билан алоқалар ривожлантирилди.

Марказий Осиё мамлакат-ларидан иборат ишчи гуруҳлар республиканинг 9 та вилоятида 150 дан зиёд бошланғич ташкилот фаолиятини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатди.

2023 йилдаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мақсадида 2022 йил 26-30 сентябрь кунлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси делегацияси Женева (Швейцария) шаҳрида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси раҳбарияти ҳамда қатор масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказди.

Федерация делегацияси 17-21 ноябрь кунлари эса Мельбурн (Австралия) шаҳрида ўтказилган Халқаро касба уюшмалари конфедерациясининг 5-конгрессида қатнашди.

30 ноябрь куни Федерациянинг Малака ошириш институтида «Марказий Осиё мамлакатларида меҳнат қонунчилигини ривожлантириш тенденциялари» мавзуда халқаро семинар ўтказилди. Йил давомида Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Европа иттифоқи Комиссияси, Халқаро молия корпорацияси каби нуфузли халқаро ташкилотлар делегациялари билан 15 га яқин учрашувлар ташкил қилинди.

Федерация вакиллари мазкур халқаро ташкилотларнинг юртимиз ва хорижий давлатларда ташкил этган 10 дан зиёд конференция, семинар, вебинар ва давра суҳбатларида фаол иштирок этди.

Тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни жадаллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бора-бора ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, касба уюшмалари Федерациясининг комплекс интеграллашган ахборот тизими маълумотлар базасига 520 мингдан зиёд юридик шахслар, 33 мингдан зиёд бошланғич касба уюшма ташкилотлари паспорти ва уларнинг статистик маълумотлари юкланди.

Мажлисида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва зирининг ўринбосари – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси раиси Баҳодир Умурзоқов, Федерациянинг Меҳнат инспекцияси бошлиғи – Федерация раисининг ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари Бош муҳаррири Хусан Эрматов, «Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси» унитар корхонаси бошлиғи Баҳодир Тожиёв, Федерация аппарати молия бўлими мудири Жўрабек Ҳамзаев, Капитал курилиш бошқармаси бошлиғи Хайдар Фозиллов ва бошқалар ўтган йилдаги ишлар сарҳисоби ва олдиди турган ғалдаги режалар ҳақида сўз юритишди.

Мажлисида кун тартибига киритилган «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши таркибига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг Федерация мулкни тасарруф этишга оид қарорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилиб, жорий йилдаги вазифалар белгилаб олинди.

Шу кунни Ўзбекистон касба уюшмалари Ижроия қўмитасининг 8-мажлиси ҳам ўтказилди. Кун тартибиди масалалар юзасидан масъулларнинг маърузалари тинланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»



Саиданбор Абдурахимов олган суратлар



АҚШ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

<<< 1

Шунингдек, делегация вакиллари болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам таништирилди. 2022 йилги пахта йиғим-терими давомида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан Савдо-саноат палатаси ва Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси вакиллари жалб қилган ҳолда теримчилар учун шарт-шароит яратиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан «Миллий мониторинг» ўтказилгани, Миллий мониторинг гуруҳлари томонидан республиканинг туман ва шаҳарларига 398 мартада таширлар амалга оширилиб, Халқаро Меҳнат Ташкилоти методологияси асосида мониторинг олиб борилгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, АҚШ Меҳнат ва зирлиги делегацияси вакилларига Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан муносиб меҳнат тамойилларини амалга татбиқ этиш, муносиб бандликни ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш йўналишларида амалга оширилаётган тизимли ишлар тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари томонидан аҳолига ижтимоий-меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, халқаро меҳнат стандартлари, шу жумладан, ХМТ Конвенцияларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар тўғрисида ҳам таништирилди. Касба уюшмалари Федерацияси Юридик клиникаси меҳнат учун жиноий жавобгарлик белгиланганидир. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекторларининг мустақиллиги, ҳеч қандай чекловларсиз, олдиндан огоҳлантирмай туриб корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги ижроси бўйича жамоа музокаралари ва жамоа-шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирларга эътибор қаратилди.

Ўз навбатида АҚШ Меҳнат ва зирлиги делегацияси вакиллари мавзуга оид батаф-

сил маълумотлар учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига миннатдорлик билдириб, ўзларини қизиқтирган қатор саволларга тегишлича жавоб олганларини таъкидлади.

– АҚШ Меҳнат ва зирлиги ҳар йили 131 та давлатдаги мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати даражасини аниқлаб, таҳлиллар асосида ҳисоботлар тайёрлайди, – деди жумладан АҚШ Меҳнат ва зирлигининг Одам савдоси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маргарет Юнк. – Мазкур ҳисоботларимизда давлатларга рейтинглар берилди. Мамнуният билан айтишим мумкинки, охириги ҳисоботимизда Ўзбекистон юқори рейтингга эга бўлди ва 9 та юқори рейтингли давлат қаторига кирди. Ўзбекистоннинг бундай ижобий натижани кўлга киритишида, албатта, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ҳам ҳиссаси бор.

Делегация мизинг Ўзбекистонга ушбу таширлардан кўзланган мақсад ҳам таҳлиллар асосида навбатдаги ҳисоботни шакллантиришдир. Сиз бизга тақдим этган маълумотлардан кўринадики, юртимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

– Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида мамлакат миқёсида олиб борилаётган ахборот компанияси тасинга лойиқ, – деди АҚШ Меҳнат ва зирлигининг халқаро бўлими мутахассиси Сара Соломон. – Яна бир муҳим жиҳат Ўзбекистон қонунчилигида мажбурий меҳнат учун жиноий жавобгарлик белгиланганидир. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекторларининг мустақиллиги, ҳеч қандай чекловларсиз, олдиндан огоҳлантирмай туриб корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги ижроси бўйича жамоа музокаралари ва жамоа-шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирларга эътибор қаратилди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Андижон вилояти

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашида Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси шаҳар ва туман бўлинмалари кенгашлари раислари иштирокида янги Меҳнат кодекси юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

Унда кенгашнинг вилоят бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳабибилло Усмонов шу йил 30 апрелда кучга кирадиган янги тахрирдаги Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тушунча берди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Дилшодбек Қаномов мазкур ҳужжатнинг меъёр ва қоидалари ҳақида ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларини юритиш юзасидан батафсил тавсиялар берди.

– Янги Меҳнат кодексига ходимлар-

ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

нинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга бағишланган нормалар киритилган, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Зафарбек Абдуллаев. – Шунингдек, энди касба уюшмаси 10 кун мuddат ичида иш берувчи тақдирномасига ёзма равишда жавоб бермаса, иш берувчи касба уюшмаси розилигисиз ходим билан

етса, иш берувчи у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эди. Айрим тоифадаги ходимлар учун синов мuddати 3 ойдан 6 ойга узайтирилмоқда.

Иигилиш якунида мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафлик жавоб беришди.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Давра суҳбати



Тазетта – газетхон – газетта

Ҳаёт билан уйғун ҳолда яшашга не етсин! Кимдир эришган ютуғидан севиниб, ўзгалар билан баҳам кўргиси келади. Кимдир жамиятни қийнаб келаётган муаммага ечим излаб, қўлига қалам олади. Ёзганларини тезроқ матбуотда эълон қилиб, эл билан баҳам кўришни истайди.

Азиз газетхон! Сизни-да шундай ҳолат илҳомлантирса, ҳеч иккиланмай бизга йўланг. Эркин минбарингиз бўлган нашримизнинг «Газета – газетхон – газета» саҳифасида, албатта, чоп этамиз. Зеро, қоғозга тўкилган битикларингиз кимгадир сабоқ, ким учундир ёруғ йўл бўлса, ҳеч ажаб эмас!



Қашқадарё вилояти

МЕҲР ЧАШМАСИ

Бундан 20 йил бурун автоҳалокатга учраб, тўшакка михландим. Мутахассислар ушбу ҳолатга «ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса», дея хулоса беришди. Жамоадошларим, яъни Қарши давлат университетининг касаба уюшма кўмитаси фаоллари мени ҳам маънан, ҳам моддий қўллаб-қувватлашди. Ана ўшанда касаба уюшмаларининг қанчалик инсонпарвар ташкилот эканини ҳис қилгандим.

Бахтсиз ҳодиса туфайли иккинчи гуруҳ ногиронига айландим. Бироқ сеvimли жамоам яна аввалгидек соғлом турмуш тарзига қайтишимга чин маънода елкадош бўлди.

Ҳозир ишлаяпман, университетнинг Аҳборот-ресурс марказида етакчи мутахассисман. Ишим ва ҳаётим давомида кўп яхшиликлар кўрдим. Турли байрамлар арафасида озиқ-овқат маҳсулотлари ва эсдалик соғалари тақдим этиш одат тусига кирган. Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан университетдаги ногирон ходимлар ва 150 нафар имконияти чекланган талаба моддий рағбатлантирилгани бунга бир мисол.

Ўзим бир йилда икки марта вилоят но-

гиронларни реабилитация қилиш ва соғломлаштириш марказида муолажа оламан. Ёз фаслида ўғлим Афзалбек сўлим болалар оромгоҳида имтиёзли йўланма асосида мериқиб дам олди. Университетнинг тўртинчи босқичида ўқийдиган қизим Моҳичеҳра ҳам фаол талабалар сафида доимий эътиборда.

Ўтган йили жамоадошларим билан бир неча бор саёҳатларга бориб келдик. Университет касаба уюшма кўмитаси раиси Абусаид Норов турли мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирларнинг ҳам қизиқарли ўтишида жонбозлик кўрсатмоқда.

Хуллас, касаба уюшмаларининг афзалликларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Мен сеvimли газетам орқали ўз ташақкурларимни изҳор этишдан мамнунман.

Ўткир ОСТОНОВ

Қарши шаҳри

Ажабо

ҚИШЛОҚ БЎЙЛАБ СУТ ИЗЛАБ...

Соғлиқ – туман бойлик. Уни асраш воситалари кўп бўлса-да, фойдаланишга баъзан имкон, гоҳ эса шароит топилмай қолади. Тобора кимёвий воситаларга қарамлашиб бораётганинг ичингени эзди.

Илгарилари ҳар бир хонадонда мол боқилиб, но-нутага сут тортиларди.

Шамоллаганда сарёғли сут ичириб даволашарди. Энди-чи? Қишлоқда яшасак-да битта соғин сигир ушлаш топилмай қолади. Қорамол боқилишнинг сарф-харажати ортгандан ортиб кетди.

Қишлоғимизда юздан зиёд хонадон бўлса-да, соғин сигирларнинг сони ўнтадан ортмайди. Кенжайоим ша-

Зархол РУСТАМОВА

Қўшработ тумани



Наманган вилояти

ИШОНЧИМИЗНИ СЎНДИРМАНГ!



Ассалому алайкум, «Ishonch» газетаси жамоаси! Сизларга йўллаган ушбу мактубим кўп сонли муштарийларимизга ҳам етиб борса, беҳад миннатдор бўлар эдим.

Бугуннинг долзарб муаммосига

айланган айрим дори воситаларининг ёши болаларга салбий таъсир этиб, жабр чекиши ҳар бир ота-онани таҳликага солиб қўйди.

Кечагина дори-дармон етказиб берувчи бир қанча фирмалар билан шартнома имзолаб, беморларга тавсия этган айрим шифокорлар эндиликда уйма-уй юриб, ўзи бир вақтлар сифатли деган дориларини зинҳор қабул қилмасликни айтиб юришибди.

Оғриқ қолдирувчи ва иситмани туширувчи «Цинепар» суюқ суспензияси ҳамда йўталга қарши «Амбронол» сиропини оилавий шифокорнинг тавсияси билан сотиб олган эдик. Энди эса ўша врач тавсияси билан уни қадоғи очилмаган ҳолда чиқинди челагига

Нодирахон МАМАЮСУПОВА

Наманган шаҳри

Дилдаш гаплар

ташлаб юбордик.

Очигини айтсам, дори билан бирга бугунги кун тиббиётига бўлган ишончимизни ҳам ирғитиб юборгандекмиз.

Балки шу ишончсизлик туфайли халқ орасида «Бундан буёғига ҳеч биримизнинг касал бўлишга ҳаққимиз йўқ», деган ибора пайдо бўлдимикан?

Хурматли шифокорлар, кўп ўқинг, ўрганинг! Илмингиз зиёда бўлсин! Соғлиғимиз сизларнинг кўлингизда, илтимос, ишончимизни сўндирманг!



Хоразм вилояти



БЕКВОЙ ОТА ТИЛГА КИРДИ

Меҳр – кўндан-кўп мўъжизаларга қодир. Яқинда ўзим бунинг гувоҳи бўлдим. Бошқалар ҳам ҳайратини яшира олмади. Ҳаяжонларимни сеvimли газетам – «Ishonch» орқали ўртоқлашишга қарор қилдим.

Шу десангиз, воқеа сабабчиси Беквой ота Эшчанов 67 ёшда. Олий маълумотли, узоқ йиллар ҳисобчи бўлиб фаолият кўрсатган. Туғма 2-гуруҳ ногирони. 1995 йилда оиласида рўй берган нохушлик туфайли инсультга чалиниб, 18 йил мобайнида бир хонадан чиқмай ётади. Кўнгли хираликнинг зўридан гапиролмай ҳам қолади.

Яқинда туман ҳокимлиги, 3-сектор раҳбарияти ҳамда туман тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими масъуллари билан уни йўқлаб бордик. Отаҳонга ширин сўзларимизни айтдик, кўнглини кўтардик. Сўхбатимиз асосида замонавий, қулай, ўзи юрадиган электрон аравача топширилди. Ўн саккиз йил деганда кўчага чиққан бемор кўшини кўрди, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Юзларини кўз ёши ювди ва кутилмаганда «Аллоҳга шукр», деб юборди. Ҳаммамиз ялт этиб қардик.

Беквой ота барчага раҳмат айтди. Ўн саккиз йиллик армонларини сўзлади.

– Соғайишимга умидим йўқ эди, ҳатто мени кўргани келишса хижолат тортардим. Ичингдагини бировга айтолмасанг, ҳасратлашолмасанг, бундан ёмони йўқ экан, – дейди у.

Кўни кеча Беквой отадан хабар олиш учун яна бординимизда, тўйга кетганини айтишди. Ҳа, у фаол ҳаётга қайтди. Энди ўзгалар кўмагисиз ҳам кўчада сайр қила олади. Кўни-кўшини, қариндошлар билан мулоқотда бўлади. Бугун давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ана шундай мўъжизаларни яратмоқда.

Турсуной САТТОРОВА,
Қўшқўпир тумани спортни ривожлантириш бўлими бошлиғи

Сурхондарё вилояти

ҲАЁТИМДАН РОЗИМАН



Тақдир экан, икки нафар фарзандимни ёлғиз тарбияляпман. Очиғи, рўзгор тебратишда қийналганларим ҳам рост. Кунларнинг бирида уйимизга келган меҳмонлар «қасаба уюшмалариданмиз», деб хотин-қизлар муаммоларини ўрганишгаётганини, кўмак беришларини айтишди. Уларга яшаш шароитим ҳақида гапириб бердим.

Орадан озроқ вақт ўтгач, мени «Аёллар дафтари»га киритишганидан хабар топдим. Қисқа вақтда имтиёзли кредит асосида икки сотих ерда иссиқхона қурдирдим. Астойдил ишлаб, маълум муддатдан сўнг даромад ола бошладим. Аста-секин оилавий шароитим яхшиланиб борди. Болаларимнинг уст-бошини бутлаб, кам-кўстини тўлдирдим. Ҳозир, шукрки, меҳнатим орқасидан даромад кўриб, тадбиркорлик фаолиятим ортидан яхши турмуш кечираётиман.

«Аёллар дафтари»га рўйхатга киритилганимдан сўнг берилган 20 миллион сўм кредитни ҳам тўлашга улгурдим. Ҳаётимдан розиман. Энди ҳеч қачон болаларим олдида чорасиз қолмайман. Чунки иссиқхонамизда етиштираётган помидор, булғор қалампери ва бошқа маҳсулотларимизни бозорга ва маҳалламиздаги дўконларга олиб бориб сотаямиз. Фаолиятимни кенгайтириб, иш ўринлари яратишни мақсад қилганман.

Дилимдагини сеvimли газетамга ёзиб юборишдан мақсад – уйда туриб ҳам яхши даромад топиш мумкинлигини, бунинг учун меҳнат қилишга иштиёқ, ҳавас бўлса, ҳаммаси чиройли бўлишини фаолиятим мисолида яна бир бор таъкидлашарди.

Балки бу рўзгор тебратишда қийинчиликка учраб турган баъзи юртдошларимиз учун туртки бўлар...

Соғида ШОПЎЛТОВА

Ангор тумани

ТАҲРИРИЯТДАН

Азиз муштарийлар! Газета бу – минбар. Сиз ўзингизни таъсирлантирган эзгу ишларни кўпчилик билан баҳам кўрмоқчимисиз, шу билан бирга, бугунги ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган баъзи муаммоларга ечим ахтаряписизми, ҳеч иккиланмай бизга юборишингиз мумкин. Таҳририят газета саҳифаларидан уларга жой ажратишга ҳамиша тайёр!

Очиғи, яқин орада бундай дастурни томоша қилмаган эдим. Ниҳоятда гўзал! Ундаги ранг-баранг чиқишларни таърифлашга сўз ожиз. Халқ ва армия муштараклигини кўрсатиш, Ватанини улуғлаш, унинг муқаддаслигини тараннум этиш мақсад қилинган дастур том маънода диллардаги шу туйғуларни жўшдира олди.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестри ижросидаги «Чорлов» куйи остида бошланган дастур Она юртни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, шеърят дурдоналари билан файзланди.

Саҳнага саф тортиб кириб келган ҳарбийларнинг қиёфасидаги шиддат даврага салобат бағишлади. Тўра Сулаймоннинг шеъри айнан, улар ҳақида эди:

Ассалому алайкум,
бу элнинг ўғлонлари
Алломиш, Мангуберди,
Гурўли султонлари.
Жонажон ўз халқининг
суянган Асқар тоғи,
Елкаси ер кўрмаган
не марди майдонлари.

Сўнгра ўзбек шеърятини даҳолари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги шеърлари янгради. Бу халқимизга хос бўлган ўтганлар хотирасини қадрлашнинг ўзига хос бир тимсоли бўлди.

Онасини бошида кўтарган инсон юртини ҳам улуғлайди. Концерт дастурида оналарни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ва назм дурдоналари ҳам янгради. Рауф Парфининг «Она, мени уйғот», Йўлдош Эшбекиннинг «Она дуоси» каби шеърлар марду майдонларнинг волидаларига бағишлангандек бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фиёс Бойтаевнинг машҳур «Эй она» қўшиғи ўқилган шеърларга ҳамоҳанг кечди.

Оналар мадҳи садоқатли, ватанпар-



ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН ТУЙҒУ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида «Ватан манзумаси» деб аталган адабий-маърифий концерт дастури бўлиб ўтди

вар фарзандлар ҳақидаги куйларга уланди. Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова «Фарзандим – асал қандим» қўшиғи мавзунини янада тўлдирди.

Куй ва назм гулшанида юртга садоқат, ватан қадрини, мустақилликни улуғлаш каби мавзуларда шеърлар жаранглади. Сирожиiddин Саййидиннинг

«Ватан», Минҳожиддин Мирзонинг «Ватан надур?», Иқбол Мирзонинг «Ватанга қасамед», Зулфия Мўминованинг «Ватанини севганлар», Зебо Мирзаеванинг «Кишан кийма» шеърларининг муаллифлар томонидан ўқишлиши барчани мамнун қилди. Ижод оламига эндигина кириб келаётган ёшларнинг шеърлари

ҳам тадбирга ўзгача шуқуҳ бахш этди. Бу албатта, уларни янги ижодий парвозлар сари руҳлантирган бўлса, ажабмас.

– Мен бу анжуман учун либослар расмони сифатида ишладим, – дейди ди-зайнер Севара Зуннунова. – Тўғриси, шу вақтгача жуда кўп тадбирларда иштирок

этанман. Лекин бу галгиси қалбимда ўчмас из қолдирди. Мана бу мисраларга қаранг: «Қасам ичмайман, онг ичмайман, лекин юртим сендан воз кечмайман». Юракка етиб борадиган сўзлар-а? Умуман, анжуманда ўқилган ҳар бир шеър, айрилган ҳар бир қўшиқ жонажон Ватанимга бўлган меҳримни янада оширди.

Ҳарбий-ватанпарварлик ғояларига йўғрилган куй-қўшиқлар ёшлар қалбига юртга бўлган меҳр-муҳаббатини, унинг ривожига бўлган масъулиятни оширади. Адабий-маърифий кечада ҳарбийлар томонидан ижро этилган қўшиқлар айнан шу мақсадларга хизмат қилди. Жумладан, Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати қошидаги ансамбллар ижросидаги қўшиқлар бунга аққол мисол бўла олади. Курсантларнинг чиқишлари ҳам илиқ кутиб олинди.

– Ушбу тадбирни томоша қилган одам тинчлик энг бебаҳо неъмат эканини яна бир бор ҳис қилади, – дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов. – Шу билан бирга, осойишталикни сақлаш учун юртнинг ҳар бир фарзанди бирлашиши, Ватанга садоқатли бўлиши, Ватанини онани севгандек севиши, онани ҳимоя қилгандек ҳимоя қилиши лозим ва шартлигини теран англаши шубҳасиз. Ота макон, она юртни ардоқлаш ва улуғлашга, уни кўз қорачиғидек асрашга ундовчи бундай адабий-маърифий кечалар вилоят ва туманлар, чекка қишлоқ ва овулларда ҳам ўзига хос тарзда ўтказилса, айти мудоао бўларди.

– Бу кун ниҳоятда ажойиб ўтди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Фозил Фарҳод. – Кечада ватан, халқ, она мавзусидаги шеърлар ёш ижодкорлар томонидан тўққиниланиб ўқилди. Халқ таниган шоирлар эса ўз шеърларини баралла айтди. Санъаткорлар ушбу мавзуда жўшиб куйлади. Ҳарбийлар ҳам шеър айтди, қўшиқ айтди. Миллатни, халқни айнан мана шундай қўшиқлар, шеърлар жипслаштиради.

– «Мажолис ун-нафоис» бўлди, – дейди таниқли журналист Мақсуд Жонионов. – «Онам билан кетмон чопган аёллар» қўшиғи айрилганда, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ташкилотчиларга минг раҳмат!

Тадбир сўнггида Севара Назархон Муҳаммад Юсуфнинг «Улуғимсан, Ватаним» шеърига бастанган машҳур қўшиғини бутун зал жўрлигида ижро этди. Тадбир иштирокчиларининг барчасини бир Буюк туйғу – Ватан туйғуси бирлаштирди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»

Таассурот



ISSN 2010-8009 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qultimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOSILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G' OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosi), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: Z. Rixsiyev

Musahhih: D.Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:50 Topshirildi – 02:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021.0000.0004.3052.7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-113 Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 31352 14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.



Фарғона вилояти

Ўзларини қийнаб келаётган муаммоларини мутасаддиларга қайта-қайта айтиб, ҳеч қандай натижага эришолмаган Фурқат туманининг Эшон қишлоғи аҳолиси вакиллари «Ishonch» газетасига мурожаат қилдилар. Шу боис, биз ўша ерда бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишдик. Бу жараёнда ҳоким сектори ҳудудидаги «Эшон» маҳалласининг Фароғат кўчасида бирорта ҳам талабга жавоб берадиган симёғочни кўрмадик. Барчаси омонат, баъзилари зўрға қад ростлаб турибди. Уларга тортилган электр симларга бир-бирига тегиб кетмаслиги учун тош осиб қўйилган.

«ШАМОЛ ЭСИШИДАН ҚЎРҚАМИЗ

чунки кўчадаги эски симёғочларнинг ҳаммаси қўлбола»



– Бу ерда уй қуриб, яшаётганимизга 26 йил бўлди, – дейди Фотимахон Мўминова. – Уша кезлар ким янги кўчиб келса, ўзи симёғоч топиб ўрнатган ва уйига ток киритган. Шунинг учун кўчамиздаги қўлбола симёғочларнинг барчаси омонат. Шамол турса, ишқилиб йиқилиб тушмасин, симлари узилиб кет-



масин деб, юрак ҳовучлаб ўтирамиз. Устига-устак, электр токи жуда паст кучланишда, оддий лампочка ҳам зўрға ёнади. Кир-машина, печлар ҳақида гапир-маса ҳам бўлади...

Маҳаллий аҳолининг айтишича, улар бултур кузда ушбу масала бўйича туман ҳокимига мурожаат қилишган. Ҳоким электр тармоқлари корхонаси раҳбариятига муаммони жойида ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этиш юзасидан топшириқ берган. Лекин ҳозиргача бирор масъул шахс бу масала билан шуғулланиш, одамлар эҳтиёжини қондириш тўғрисида ўйлаб кўргани йўқ.

Кўчамиз 2018 йилда асфальт-лашни режалаштирилган эди, – дейди қишлоқ фаоли Ибохон Баратова куюнчақлик билан. –

Оғриқ тишлар...

Лекин бу иш аввал 2020 йилга сурилди, кейин эса саробга айланди. Ҳолбуки, бугунги кунда халқ дардини эшитиш, мушуқлини осон қилиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳар бир раҳбарнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шундай тармоқлари корхонаси раҳбариятига муаммони жойида ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этиш юзасидан топшириқ берган. Лекин ҳозиргача бирор масъул шахс бу масала билан шуғулланиш, одамлар эҳтиёжини қондириш тўғрисида ўйлаб кўргани йўқ.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»

«ПАСПОРТИМДА ШУНДАЙ ЁЗИЛГАН»

ёхуд ўзликни унуттиш оқибатлари

Бир пайтлар Германияга кўчиб кетган қариндошларимиз бизниқига меҳмонга келишди. Онаси немис, отаси ўзбек (тоғамиз) бўлган қариндошимиз истаги билан шаҳар айланмишга чиқдик. Кийим-кечак, техника, мебель, эсдалкилар ва озиқ-овқат дўконларига кирдик. Толиқиб уйга қайтгач, бир пиёла чай устида суҳбатимиз кўр олди.

– Болалигимиздаги шаҳар анча кенгайиб, гўзаллашиб, чинакам янги Жиззахга айланибди. Одамлар ҳам руҳан тетик. Айт-чи, ҳудудда тахминан неча нафар рус ёки инглиз яшайди? – дея сўраб қолди меҳмонлардан бири.

– Бизнинг кўчалар шаҳардан четроқда бўлгани учун нари борса тўрт ёки беш нафар рус яшаши мумкин, лекин инглизлар йўқ, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Каттами-кичик дўконларга ҳам ё русча, ё инглизча номлар ёзилганига сўраяпман-да, – тушунча берди меҳмон.

Шу вақт қўшимиз бир товоқ ош кўтариб кириб қолди.

– Оҳ-оҳ-оҳ. Мана бизни соғинтирадиган ўзбекча меҳр-оқибат, – дейишди меҳмонлар.

Қўшим уларнинг исmlарини сўрагач: – Олга, исмингиз чиройли экан, бу ўзбекчасига «олга» деганими, – деди-да жавобини кутмай «ҳазиллашдим», деб кўйдди.

Олга ўзбек тилида қийналиб гапирса ҳам, мулоимлик билан исmlар таржима қилинмаслигини, ким қайси тилда гапирмасин, ёзмасин, талаффузда хато қилса-да, инсон исмини асло бузиб айтмаслик кераклигига алоҳида ургу берди.

Дарҳақиқат, исм – шахснинг маънавий қадр-қиммати. У орқали инсоннинг қай миллатга мансублиги, қандай муҳитда туғилганини билиш мумкин. Оилада фарзанд дунёга келса, ота-онанинг илк вазифаси, маънавий тарбияси гўдакка қўйилган исмининг маъносидан намоён бўлади.

Оддий халқ вакиллари исmlарининг қайсидир ҳарфида хатоликка йўл қўйилгани билдирилганда, бироз хижолат бўлиб, дарҳол тузатилиши ҳам бежиз эмас. Бироқ каттаю-кичик ташкилотларнинг баъзи амалдорлари ёки кўпчиликка танилишга уринаётган ёшлар ўзларининг хоҳишлари билан исм-шарифларини ўзгартириб ёзишга ҳаракат қилишлари кишини беихтиёр уйга толдиради.

Баъзи ҳолларда русча талаффуз билан ёзилган исmlарни ўзбекча маъносидан ёзишни сўраганимизда исм эгалари ўзгартиришни истамаслигини, паспортда ёзилган хато бўйича ёзишимизни сўрашади. Усмонов (Усманов), Боқиев (Бакиев), Ко-



мила (Камила)... бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.

Ота-она томонидан қўйилган исм фарзандига ёқадиган бошқа исмга алмаштирилишини тушуниш мумкин, албатта. Лекин аниқ маънога эга исmlар бузиб айтилиши, бир пайтлар ҳўжжатга шундай хато билан ёзилганини била туриб ҳам ўзгартиришни истамаслик, ёки жарангдор эшитилади, деб хаёлга берилишлик савиясизликдан бошқа нарса эмас. Буни замонавийлик билан изохлаш тўғрими-кан? Ўзини-ўзини тан олмай, танимай туриб, ўзлигидан ўзиб кетмоқчи бўлишлик ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳол-ку ахир. Бунинг кўлами кенгайгандан кенгайиб, аввал савдо марказлари пештоқида, сўнг хусусий ўқув марказларининг катта ҳарфлар билан ёзилдиган номларида, халқ кўзгуси ҳисобланган телекўрсатувларнинг номларида ҳам акс этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида чет тилларини ўрганишга бўлган имкониятларни кенгайтириш, шу билан бирга, ўзбек тилига бўлган ҳурматни мустаҳкамлаш мавзусига бежиз тўхталмади. Халқ орасида тил маданияти ҳақидаги билимларни кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг онги ва қалбига она тилига бўлган муҳаббатни чуқур сингдириш бугун ҳар биримизнинг Ватанимиз, аждод ва авлодлар олдидаги бурчимиз эканини унутмайлик.

Гулчеҳра ХИДИРОВА, журналист

Эълон

2004 йил 5 майда Курбанова Махмудхон номига берилган №0021/14106 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.